

12-1-2019

THE IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

N. Khamjimuratov

Tashkent State University of Economics

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khamjimuratov, N. (2019) "THE IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

This article highlights the importance of international financial reporting standards. As a result of the research, the ways in which the international financial reporting standards were applied were addressed.

Key words: financial statements, international financial reporting standards, materiality, statement of financial position, statement of comprehensive income.

At present, the economies of the countries are becoming more open and interconnected, resulting in the integration of the accounting system. International Financial Reporting Standards (IFRS) are recognized as the basis of national requirements for the preparation of financial statements in many countries around the world. Clearly, it is precisely international standards that allow for the preparation of comparable financial statements.

At any level in the ever-changing business environment, the economic system at any level is based on the subjects that seek for sustainable development. In turn, stable emerging businesses are interested in raising capital or earning economic benefits in the form of dividends to save funds and increase fixed assets. In a market economy, limited access to resources requires the rational use of investment resources by economic entities through careful selection of investment projects and isolation of the most promising ones.

In this process, the data obtained from business entities, in our opinion, will be a mechanism for the collection of useful information for stakeholders, as well as the safety of funds invested in various projects. Fully adhering to the principles of IFRS will help investors achieve their objective of obtaining useful information.

The main reason for the introduction of the IFRS in our country is the desire of the joint-stock companies to demonstrate transparency in their activities, and their aspiration to international level. It is worth noting that the introduction of IFRSs in the national accounting system and the improvement of national standards are inevitable.

Reforming accounting and reporting to international standards in our country at present is aimed at creating useful information for interested users. Reports drawn up using international standards provide a great deal of information about the business entity and provide transparency of financial information. Practice shows that the use of international standards in reporting by an economic entity enables, firstly, to enter the international capital market and, secondly, it may attract investment on more favorable terms. The information on an entity that reports on the IFRS is sufficient for the potential investor to understand and assess the risks associated with it.

In this process, the data obtained from business entities, in our opinion, will be a mechanism for the collection of useful information for stakeholders, as well as the safety of funds invested in various projects. Fully adhering to the principles of IFRS will help investors achieve their objective of obtaining useful information.

The main reason for the introduction of the IFRS in our country is the desire of the joint-stock companies to demonstrate transparency in their activities, and their

aspiration to international level. It is worth noting that the introduction of IFRSs in the national accounting system and the improvement of national standards are inevitable.

Reforming accounting and reporting to international standards in our country at present is aimed at creating useful information for interested users. Reports drawn up using international standards provide a great deal of information about the business entity and provide transparency of financial information. Practice shows that the use of international standards in reporting by an economic entity enables, firstly, to enter the international capital market and, secondly, it may attract investment on more favorable terms. The information on an entity that reports on the IFRS is sufficient for the potential investor to understand and assess the risks associated with it.

As a result of the research, the following recommendations were developed:

1. The purpose of the financial statements is to provide a wide range of users with information about the financial condition of the joint-stock company, its financial performance and cash flows for making economic decisions. It should also show the results of managing the resources entrusted to the management of the enterprise.

2. Accounting should be brought in line with international financial reporting standards for accelerated development of the economy of the republic and enhancing investment activity. Successful introduction of new concepts and principles of international standards depends on how well the accountant understands the purpose and purpose of their application in accounting practice in Uzbekistan. It is not always clear why local organizations need new rules for presenting and disclosing economic information to financial reporting users. Therefore, it is necessary to elaborate comments on their application, not only on specific accounting operations and circumstances, but also on the feasibility of introducing such innovations in the practice of Uzbekistan.

3. The number of foreign users of joint stock companies' financial reports is increasing. Therefore, the transformation of the ISMS-based report into the IFRSs has become relevant today. In these circumstances, it is important to comply with IFRS 1 "First time Adoption of International Financial Reporting". The application of this ISRS will ensure the transparency, universality and objectivity of the financial statements and will provide a clear understanding of the financial position.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг аҳамияти ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисобот халқаро стандартларини қўллаш борасидаги муаммоларни бартараф этиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: молиявий ҳисобот, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, муҳимлик, молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, ялпи даромад тўғрисида ҳисобот.

ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В этой статье рассмотрена важность международных стандартов финансовой отчетности. В результате исследования были рассмотрены способы применения международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, существенность, отчет о финансовом положении, отчет о совокупном доходе.

КИРИШ

Ҳозирги пайтда мамлакатлар иқтисодиёти тобора очик ва ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб бормоқда, бу эса бухгалтерия ҳисоби тизимининг интеграциялашувига олиб келмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) нуфузи туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий ҳисоботлар тузишга миллий талабларнинг асоси, деб тан олинган. Кўриниб турибдики, айнан халқаро стандартлар таққослаш мумкин бўлган молиявий ҳисобот тайёрлашга имкон беради.

Доимий ўзгариб турадиган ишбилармонлик муҳитидаги ҳар қандай даражадаги иқтисодий тизим барқарор ривожланишга интиладиган субъектларга асосланади. Ўз навбатида, барқарор ривожланаётган корхоналар жалб қилинган маблағларни тежаш ва асосий воситаларни кўпайтириш мақсадида дивидендлар кўринишидаги капитални кўпайтириш ёки иқтисодий фойда олишдан манфаатдор ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг ресурслардан чекланган фойдаланиш имконияти инвестиция лойиҳаларини синчковлик билан танлаш ва энг истиқболлиларини ажратиш олиш орқали иқтисодиёт субъектларига инвестиция ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Бу жараёнда хўжалик юритувчи субъектлардан олинган маълумотлар, бизнинг фикримизча, турли лойиҳалар бўйича инвестиция қилинган маблағларнинг сақланиши, манфаатдор томонлар учун фойдали маълумотлар тўплаш учун механизм бўлиб хизмат қилади. МҲХС тамойилларига тўла риоя

қилиш инвесторлар учун фойдали маълумот олиш мақсадига эришишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда МҲХС жорий қилинишининг асосий сабаблари акциядорлик жамиятларининг фаолият шаффофлигини кўрсатишга интилиши, халқаро даражага чиқишга ҳаракати ҳисобланади. Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби тизимига МҲХС жорий қилиш ва миллий стандартларни такомиллаштириш муқаррар жараён эканлигини таъкидлаш жоиздир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Иқтисодий адабиётларда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларга ўтиш муаммосига кенг эътибор қаратилган.

Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент А.З.Авлокуловнинг фикрича, халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар ташкилотни самарали бошқаришда зарур ҳисобланади. Халқаро стандартларга ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиш ҳамда инвестицияларни жалб этишдир. Шунингдек халқаро стандартлар мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади[1].

Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент С.Н.Ташназаров, МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар инвестицион муҳитни яхшилайтиди. Мамлакатга йирик компаниялар томонидан инвестицияларнинг кириб келишига имконият яратади, деб таъкидлайди [2].

Х.Юсрина, М.Мухтаруддин, Л.Фуадах, З.Сулонгларнинг таъкидлашича, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ахборотларни тўлиқ очиб бериш ва ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади [3].

Хўжалик юритувчи субъекттомонидан молиявий ҳисоботлар тузишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш уларнинг молиялаштириш манбалари учун курашдаги рақобатбардошлигини оширишга имкон беради [4].

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МҲХС) деганда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисобот тузиши учун молиявий кўрсаткичлар ва хўжалик операцияларини очиб бериш, баҳолаш, тан олиш ва таснифлаш умум эътироф этилган қоидалари йиғиндисини тушуниш қабул қилинган. Улар дунёнинг кўплаб компаниялари томонидан компанияга нисбатан иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун ташқи фойдаланувчиларга зарур бўлган унификацияланган ҳисобот тузиш учун фойдаланилади[5].

МҲХСнинг аҳамияти шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида интеграция алоқаларини ривожлантириш учун дунёнинг барча мамлакатларида барча фойдаланувчилар тушуниши учун осон бўлган молиявий ҳисоботлар тузиш мақсадга мувофиқ [6].

МҲХСни жорий қилиш ички ва ташқи молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун зарур: хусусий компаниялар ва инвесторлардан тортиб давлат бошқарув органларигача. Биринчи навбатда, қарор қабул қилиш учун молиявий ахборот сифатининг ортиши рўй беради, сўнгра компанияга капитал жалб қилиш бўйича кенг имкониятлар пайдо бўлади. Халқаро

стандартлар кўйидаги концептуал асосларга эга: фундаментал сифат хусусиятлари, тақдим этилган ахборотнинг муҳимлиги, унинг ишончилиги, «молиявий ҳисобот элементлари, активлар ва мажбуриятларни баҳолашга ёндашувлар, капитал тушунчаси ва капитални сақлаш» [7].

Аммо юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш борасидаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган ва уларни бартараф этиш йўналишлари тўла-тўқис ёритиб берилмаган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда рўй бераётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни халқаро стандартларга ислоҳ қилиш манфаатдор фойдаланувчилар учун фойдали маълумотларни шакллантиришга йўналтирилган. Халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда тузилган ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъект ҳақида катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлиб, молиявий ахборотлар шаффофлигини таъминлайди. Амалиётнинг кўрсатишича, хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобот тузишда халқаро стандартлардан фойдаланиш, биринчидан, халқаро капитал бозорига чиқиш имконини беради, иккинчидан, у фойдалироқ шартларда инвестицияларни жалб қилиши мумкин. МҲХС бўйича ҳисобот тузадиган хўжалик юритувчи субъект ҳақида ахборот потенциал инвесторнинг молиялаштириш улар билан боғлиқ рискларни тушуниши ва баҳолаши учун етарлидир.

Таъкидлаш жоизки, концептуал асоснинг асосий мақсади – МҲХС бўйича ҳисоботларни фойдаланувчилар учун максимал даражада фойдали қилишни кўзлайди. Сифат хусусиятлари, фундаментал ва бошқа хусусиятлар, халқаро стандартлар бўйича мутахассисларга ёрдам бериши кўзда тутилган. Бироқ алоҳида олинган хусусиятни устувор кўрмаслик лозим, акс ҳолда ахборот фойдали бўлмайди.

О.Г.Житлухинанинг таъкидлашича, «фундаментал сифат хусусиятлари бир қатор бошқа хусусиятларни ўз ичига олади. Масалан, ахборот ўринлилигига башорат қиймати, ахборот муҳимлиги таъсир этади. Ҳаққоний тақдим этишга кўйидаги хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатади: ахборот фойдалилиги, объектив акс этириш, хатолар йўқлиги. Фундаментал хусусиятларга релевантлик ҳам киритилади. Ахборот релевантлиги шуни англатадики, унинг асосида қарорлар қабул қилишга баҳолашни амалга ошириш мумкин» [8].

«Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли 1-сон МҲХС томонидан тартибга солинадиган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламига «бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот, пул оқими тўғрисида ҳисобот, ҳисоб сиёсати ва тушунтириш хати» киради. Ҳисобот шакллариининг барчаси асосий ҳисобланади ва мажбурий равишда тузилиши керак. Шуни таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган шаклларнинг аниқ номи мажбурий эмас (1-сонли «Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли МҲХСга биноан) ташкилотлар томонидан ўзгартирилиши мумкин, аммо шу билан бирга ҳисобот

шаклларининг номлари молиявий кўрсаткичларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттириши керак, улар фойдаланувчилар учун аниқ бўлиши керак.

МХХС бўйича молиявий ҳисобот жавоб бериши лозим бўлган биринчи ва асосий талаб – унда акс эттириладиган маълумотлар ишончилигидир.

Фикримизча, фойдаланувчиларга ишончли ҳисобот тақдим этиш учун қуйидагилар зарур:

- барча қўлланиладиган МХХС бажарилишини таъминлаш;

- «Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» номли 8-сон МХХСга мувофиқ ҳисоб сиёсатини тузиш ва уни изчиллик билан қўллаш;

- қуйидаги хусусиятларга эга бўлган ахборотни таъминлаш: тушунарлилик, ўринлилик, ишончлилик ва таққослаш мумкинлиги;

- зарур ҳолларда қўшимча маълумотларни очиб бериш (агаралоҳида МХХС талабларига риоя қилиш ҳодисалар ва операцияларнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолатига таъсирини етарли даражада баҳолашга имкон бермаса) [9].

Шуни таъкидлаш жоизки, ишончли ҳисобот фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг келажақдаги пул оқимларини (шу жумладан уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва пайдо бўлиш даврларини) тахмин қилиш, шунингдек унга асосланган самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Ҳисоботларни тайёрлашда муҳим жиҳатни - узлуксизлик тамойилини, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз фаолиятини доимий равишда давом эттириш қобилиятини ҳисобга олиш керак. Агар ушбу масалада ноаниқлик юзага келса ёки хўжалик юритувчи субъект фаолиятини тугатишни режалаштирса (бошқа муқобил ечимлар мавжуд бўлмаса), у ушбу ҳолатларни ҳисоботда очиб беришга мажбурдир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз фаолиятини доимий равишда давом эттириш қобилиятини баҳолаб, унинг раҳбарияти камида 12 ой давомида келажақ ҳақида маълумотларнинг тўлиқ ҳажмини ҳисобга олиши керак. Фикримизча, қуйидагилар билан боғлиқ бўлган кўплаб омилларни таҳлил қилиш керак бўлади:

- жорий ва келажақдаги рентабеллик;

- қарзни тўлаш муддатлари;

- потенциал молиялаштириш манбалари ва бошқалар.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар МХХС бўйича молиявий ҳисоботни 1 йилда камида бир марта тақдим этишлари шарт. Ҳисоботда ҳисобот даври ва ҳисоботнинг тугаш санасини ўзгартириш ёхуд бир йилдан қисқа муддатга ёки узоқроқ муддатга тақдим этиш ҳолатини акс эттиришга, шунингдек, бундай ҳисобот давридан фойдаланиш ҳолатларини очиб беришга мажбур.

МХХСга нисбатан баъзи ўзгаришлар фойдаланувчиларга ташкилот фаолиятидаги ўзгарувчан омилларнинг баҳоланган қийматларидаги ўзгаришларнинг молиявий ҳисобот элементлари қийматига таъсири ҳақидаги

келгусида юзага келадиган вазиятга нисбатан фойдаланувчиларга батафсил маълумот беришни талаб қилади [10]. МҲХСдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 140-сон буйруғида бундай талаблар мавжуд эмас, аммо ташкилотлар ҳисобот шаклларига тушунтиришлар мазмунини мустақил равишда белгилаши кўрсатилган.

«Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли 1-сонли МҲХСда баланс тузиш қоидалари тартибга солинади, бунда унинг шаклига нисбатан қатъий талаблар белгиланмаган. Ҳар бир ташкилот баланс шаклини мустақил равишда ишлаб чиқади. Актив ва мажбуриятлар моддалари муддатига қараб, узоқ ва қисқа муддатли гуруҳларга ажратилади. Агар компания бундай бўлишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайдиган бўлса, активлар ва мажбуриятлар ликвидлик тартибида жойлаштирилади. Балансда очиб берилиши лозим бўлган моддалар рўйхати 1-сон МҲХСда белгиланган. Мамлакатимизда тузиладиган бухгалтерия балансларида эса, МҲХСдан фарқли равишда, моддалар қатъий равишда узоқ ва қисқа муддатли турларга бўлинади.

Мамлакатимиз молиявий ҳисоботида халқаро стандартлар билан бирликни таъминлаш йўлида жамоат ташкилотларининг нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда янги стандартларни ишлаб чиқиш, бунда асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоб соҳасидаги мутахассисларнинг профессионал фикрларига эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда молиявий ҳисобот халқаро стандартларини қўллашнинг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат:

МҲХС алоҳида қоидаларини қўллаш амалиёти масалалари бўйича мос келувчи услубий кўрсатмалар ва изоҳлар мавжуд эмаслиги туфайли амалдаги ва янги стандартларни мутахассислар томонидан қабул қилиш қийинлиги ҳамда ахборот етишмаслиги;

Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида МҲХСни қўллаш амалиёти умумлаштирилган таҳлилининг мавжуд эмаслиги;

МҲХС бўйича халқаро сертификатлар олиш учун махсус курсларда ўқитиш қийматининг юқорилиги;

Халқаро стандартлар асосида кўрсатиладиган аудиторлик ва консалтинг хизматлар нархининг қимматлиги;

МҲХС бўйича мутахассислар ва малакали кадрлар етишмаслиги;

МҲХС бўйича ҳисоб ва ҳисобот юритиш автоматлаштирилган дастурлари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш баҳосининг юқорилиги.

Шу муносабат билан расмий МҲХС пайдо бўлиши мамлакат бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, уни сифатли, объектив, фойдали ва талаб юқори бўлган ахборот яратишнинг самарали воситасига айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Фикримизча, молиявий ҳисоботни такомиллаштириш мақсадида халқаро стандартларни қўллаш шароитларида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- хўжалик муомалаларини бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштириш учун баъзи тартибга солувчи талабларни соддалаштириш, шу билан ҳужжат айланиши жараёнининг аксарият қисмини қисқартириш;

- ташкилотларга улар томонидан ишлаб чиқилган, МҲХС талабларига тўла мос келадиган ҳисоб сиёсати асосида бухгалтерия ҳисоби юритиш ҳуқуқини бериш;

- МҲХСни қўллаш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш учун халқаро ҳисоб олий мактабини ташкил этиш.


Мамлакатимизда фаолият юритаётган субъектларга МҲХС бўйича биринчи ҳисобот тайёрлаш бўйича хориж тажрибасига қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- халқаро стандартлар бўйича ҳисобот тайёрлашни олдиндан режалаштириш (биринчи ҳисобот тайёрлаш жадваллари ва буйруқларини тайёрлаш, баҳоловчилар, аудиторлар, ташқи маслаҳатчилар иш ҳақи харажатлари бюджетини шакллантириш);

- МҲХСни биринчи марта қўллаш борасидаги қоидалар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар бўйича ҳисобот тайёрлашнинг асосий тамойилларига мувофиқ ходимларни ўқитишни ташкил қилиш;

- автоматлаштирилган ҳисоб тизимлари, электрон жадваллар имкониятларива бошқа дастурлардан фойдаланиш йўли билан катта ҳажмдаги ҳисобга оид маълумотларни қайта ишлаш масаласини ҳал қилиш.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга яқинлаштириш вариантлари қуйидаги расмда (1-расм) акс эттирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини МҲХС мослаштиришнинг асосий йўналишлари¹

¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МҲХС жорий қилиш жараёни жадаллашмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин. Мамлакат ҳудудида ҳар ерда ва изчиллик билан МҲХС жорий қилиш корхоналарга жаҳон иқтисодиётига жалб этилганликдан тўғридан-тўғри иқтисодий фойда олиш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Молиявий ҳисоботлардан мақсад акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати ҳақида, унинг фаолияти молиявий натижалари ва пул маблағларининг ҳаракати ҳақида кенг доирадаги фойдаланувчиларга уларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилиши учун ахборот тақдим этишдан иборат. У шунингдек, корхона раҳбариятига ишониб топширилган ресурсларни бошқариш натижаларини ҳам кўрсатиши лозим.

2. Республикамиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш, инвестицион фаолликни кучайтириш учун бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш лозим. Халқаро стандартлардаги янги тушунчалар ва тамойилларнинг муваффақият билан жорий қилиниши уларни Ўзбекистон бухгалтерия амалиётида қўллаш мазмуни ва мақсадлари бухгалтернинг ўзига қанчалик тушунарли бўлишига боғлиқ. Маҳаллий ташкилотларнинг молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга иқтисодий ахборотларни тақдим этиш ва очиқ беришнинг янги қоидалари нима учун керак эканлиги доим ҳам тушунарли эмас. Шу боисдан уларни қўллаш бўйича изоҳлар, нафақат муайян ҳисоб операциялари ва вазиятлари, балки бундай янгиликларни Ўзбекистон амалиётида жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги борасида мукамал шарҳларни ишлаб чиқиш зарур.

3. Акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларидан хорижий фойдаланувчиларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам БҲМС асосида тузилган ҳисоботни МҲХСларига трансформациялаш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланган. Бундай шароитда 1-сонли «Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли МҲХС муҳим аҳамиятга эга. Ушбу МҲХСнинг қўлланилиши молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини, умумбашоратлилигини ва реаллигини таъминлайди ҳамда ҳисоб-китоблар ҳолатини аниқ тушунишга имконият яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Авлоқулов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини акс этириш хусусиятлари. //Халқаро молия ва ҳисоб. № 2, март-апрел, 2017 йил.

2. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти. // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2016, №7.

3. Nasyati Yusrina, Mukhtaruddin Mukhtaruddin, Luk Luk Fuadah, Zunaidah Sulong. International Financial Reporting Standards Convergence and Quality of Accounting Information: Evidence from Indonesia //International Journal of Economics and Financial Issues, 2017, 7(4), 433-447.

4. Гусарова Л.В. Методика трансформации финансовой отчетности некоммерческой организации в формат МСФО. //Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2012. № 5. с. 17–30.
5. Попова А.Х., Аркаути В.В., Икаева Л.Э. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО): проблемы внедрения и трансформации российской отчетности // Пространство экономики. 2013. № 4–2. с. 215–218.
6. Малиновская Н.В. Новые формы бухгалтерской отчетности и их роль в сближении с требованиями МСФО. //Международный бухгалтерский учет. 2011. № 32. с. 23–27.
7. Новые международные стандарты финансовой отчетности. Перемены в стандартах страхования // Международный бухгалтерский учет. 2011. № 25. с. 2–5.
8. Житлухина О.Г. О месте и особенностях производных финансовых инструментов в системе финансовых инструментов в аспекте международных стандартов финансовой отчетности // Инновационная наука. 2015. № 3. с. 24–27.
9. «Молиявий ҳисоботни биринчи марта қўллаш» номли 1-сон МҲҲС. <https://www.nrm.uz/>
10. Мялкина А.Ф., Трегубова В.М. Гармонизация учетной политики организации в условиях МСФО. //Социально-экономические явления и процессы. 2013. №4 (050). с. 108–120.